


Ш. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида соҳасида фаолият кўрсатаётган жами юридик шахслар сони 15537 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 7061 тага ёки 68,8 % га камайган. Шунингдек, 2019 йил январь-декабрь ойларида вилоятда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида 1552 та хўжалик субъектлари янги ташкил этилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётганлар юридик шахсларни ҳудудлар кесимида таҳлили, бирликда



2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 20413,6 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 93,8 %, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 19303,7 млрд. сўмни (93,2%), ўрмончилик хўжаликларида 964,1 млрд. сўмни (102,4%), балиқчилик хўжаликларида 145,8 млрд. сўмни (112,3 %) ташкил қилди.


Хусусан юқори ўсиш суръатлари Паркент (101,7 %) Пискент (101,6) Қўйичирчиқ (100,7 %) Юқоричирчиқ (100,4 %) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Нурафшон шаҳар (60,6), Олмалиқ шаҳар (89,5%), Янгийўл (83,3%), ва Бекобод (80,9%) туманларда паст ўсиш суръатлари билан яқунланди.

**2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон
ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар)
ҳажми, млрд.сўмда**



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг (хизматлар)ининг катта ҳажми Бекобод 1799,4 млрд.сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди, Паркент ва Зангиота туманларида мос равишда 1760,8 млрд. сўм ва 1664,1 млрд. сўм кузатилди. Энг кам ҳажм Янгийўл (17,4 млрд. сўм) ва Олмалиқ (39,1 млрд.сўм) шаҳарларида қайд этилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)
умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)ининг умумий ҳажмида Бекобод туманининг улуши 8,9 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Паркент 8,7 %, Зангиота тумани 8,2 %, Бўстонлик тумани 7,7 %, кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Янгийўл шаҳар (0,1 %), Оҳангарон (0,2 %) ва Олмалиқ (0,2 %) шаҳарларида қайд этилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши




2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 93,6 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 89,6 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 97,4 % ни ташкил қилди.

Дехқончилик. 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 467,4 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 441,3 минг тоннаси буғдой ташкил қилди. Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 1170,1 тонна пилла етиштирилди.

Бундан ташқари, барча тоифадаги хўжаликларда 319,8 минг тонна картошка казиб олинди (2018 йилга нисбатан 88,0 % ташкил этди), 873,0 минг тонна сабзавот (80,7 % кўп) йиғиб олинди, 57,5 минг тонна полиз экинлари (70,4 %), 112,7 минг тонна мева ва резаворлар (79,9 % ташкил қилди) ва 101,8 минг тонна узум (92,9 %) етиштирилди.


2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



Ҳудудлар кесимида йиғиб олинган дон хосили таҳлил қилинганда юқори кўрсаткичлар Бекобод 70,7 минг тонна, Оққўрғон 61,8 минг тонна, Бўка туманларида 55,8 минг тонна, аксинча паст кўрсаткич Тошкент туманида 9,8 минг тоннани ташкил этди.

Қазиб олинган картошканинг юқори кўрсаткичлари Бўстонлик 49682,6 тонна, Зангиота 36572,1 тонна, Янгийўл туманларида 26677,9 тоннани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Олмалиқ шаҳар 12 тонна, Янгийўл шаҳар 69,5 тонна, Оҳангарон шаҳар 543,2 тонна, Ангрен шаҳар 743,6 тонна, Чирчиқ шаҳарларида 915,1 тоннани ташкил этди.

Сабзавотлар (минг тонна)




Полиэ (тонна)




Етиштирилган сабзавот экинларининг юқори кўрсаткичлари Бекобод 137,1 минг тонна, Зангиота 117,4 минг тонна, Тошкент туманларида 97,4 минг тоннани ташкил этган бўлиб, паст кўрсаткич Олмалиқ 0,4 минг тонна, Янгийўл 0,3 минг тонна, Бекобод шаҳарларига 1,0 минг тонна тўғри келди.

Полиэ экинлари етиштириш ҳудудлар кесимида юқори кўрсаткич Бекобод 25859,7 тонна, Паркент 4829,8 тонна ва Юқоричирчиқ 3975 тонна кузатилди. Аксинча паст кўрсаткич Нурафшон 82,5 тонна, Янгийул 16,9 тонна, Ангрен шаҳарларда 18 тонна тўғри келди.

Мевалар ва резаворлар (тонна)



Узум (тонна)




Энг кўп мевалар ва резаворлар етиштириш Паркент 19856,6 тонна, Бўстонлик 12490,8 тонна, Қибрай туманларида 12373,6 тоннани ташкил этган бўлса аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 200 тонна ва Оҳангарон шаҳарларида 250,6 тоннани ташкил этди.

Узум етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткич Паркент 73403 тонна, Тошкент 4642,1 тонна, Қибрай туманлари 4193 тонна бўлса, паст кўрсаткичлар Олмалиқ шаҳри 49 тонна, Оҳангарон шаҳри 55 тонна, Нурафшон шаҳрида 161 тонна ва Бекобод шаҳрида 180 тоннани ташкил этди.

Чорвачилик. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,8 % (жами 914,3 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,9 % (400,1 минг бош), қўй ва эчкилар 101,5 % (1032,8 минг бош), отлар 101,2 % (54823 бош), паррандалар 107,6 % га (19,6 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 87,4 %, сут ишлаб чиқаришда 96,7 %, тухум ишлаб чиқаришда 56,7 % ташкил этди.

**2020 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**



Энг кўп қўй ва эчкилар Оҳангарон 216,2 минг бош, Бўстонлик 193,3 минг бош, Паркент туманларида 107,7 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 1,0 минг бош, Нурафшон 2,5 минг бош, Оҳангарон шаҳарларида 2,7 минг бошни ташкил этди.




Паррандалар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Зангиота 4036,5 минг бош, Қибрай 3198,8 минг бош, Бўстонлик 2262,4 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 12,0 минг бош, Олмалиқ 13,5 минг бош, Ангрен шаҳарларида 42,5 минг бошни ташкил этди.

2020 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	914,3	101,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	75,1	94,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	797,4	103,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	41,8	92,3
улардан сизирлар	400,1	101,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	24,3	89,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	362,9	103,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	12,9	89,9
Қўй ва эчкилар	1 032,8	101,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	287,8	100,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	686,7	102,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	58,3	94,2
Отлар	54,8	101,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	8,5	96,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	44,3	103,2

	минг бош	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,0	83,4
Паррандалар	19 586,7	107,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	424,9	47,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	9 651,5	117,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9 510,3	104,5

Чорва моллари ва паррандалар бош сонida хўжаликлар тоифаларининг улуши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 87,2 %, фермер хўжаликларида эса 8,2 %, шу жумладан,


сигирлар мос равишда 90,7% ва 6,1 %, қўй ва эчкилар 66,5% ва 27,9 %, отлар 80,9 % ва 15,4 %, паррандалар 49,3 % ва 2,2 % ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 252,9 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан -4,3% кам), 907,5 минг тонна сўт (1,2 % кўп), 1417,8 млн. дона тухум (5,4 % кўп) ишлаб чиқарилди.

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан: сигирлар (минг бош)




Йирик шохли қорамоллар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткични Бўстонлиқ 98,8 минг бош ва Бекобод туманларида 73,8 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 1,2 минг бош, Оҳангарон 1,9 минг бош ҳамда Нурафшон шаҳарларида 2,7 минг бошни ташкил этди.

Шу жумладан сигирлар энг юқори кўрсаткич Бекобод 35,3 минг бош ҳамда Бекобод туманларида 31,2 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 0,7 минг бош ва Оҳангарон шаҳарларига 1,0 минг бош тўғри келган.


**2019 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган
чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг т	252,9	95,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	9,8	91,0
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	211,3	95,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	31,8	100,9
Сут, минг т	907,5	101,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	53,6	115,0
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	824,1	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	29,8	84,2
Тухум, млн. дона	1 417,8	105,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	17,2	39,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	786,2	102,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	614,4	114,3

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)





**2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**



2019 йилнинг январь-декабрь ойларида гўшт ишлаб чиқариш ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп ишлаб чиқарган ҳудудлар Бўстонлик 23,8 минг тонна, Зангиота 22,7 минг тонна, Пискент туманлари 20,9 минг тонна бўлса, Янгийўл 0,2 минг тонна, Оҳангарон шаҳарларида 0,5 минг тонна кам ишлаб чиқарилган.

Бўстонлик 102,2 минг тонна, Юқоричирчик 85,4 минг тонна, Бекобод 77,4 минг тонна, Паркент туманлари 62,4 минг тонна сут ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичлардан ўрин олган бўлса, аксинча Янгийўл шаҳар 1,0 минг тонна Нурафшон шаҳарлари 2,8 минг тонна сут ишлаб чиқариб нисбатан паст кўрсаткичлардан ўрин эгаллади.



Вилоятда тухум ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида энг юқори кўрсаткични Қибрай 275,7 млн.дона, Зангиота 213,2 млн.дона, Бўстонлик туманларида 136,5 млн.донани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 0,7 млн.дона, Нурафшон 1,1 млн.дона Олмалиқ 1,5 млн.дона ва Ангрен шаҳарларида 2,6 млн.донани ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3014,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 20,5 % ташкил этди.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 75,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 24,3 минг бош сигир, 287,8 минг бош қўй ва эчкилар, 8449 бош от, 424,9 минг бош паррандалар мавжудлиги тасдиғини топди.

**2019 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб
чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	<i>январь-декабрь</i>				<i>2019 январь- декабрга нисбатан % ҳисобида</i>
	<i>2018 йил</i>		<i>2019 йил</i>		
	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %</i>	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %</i>	
Бошоқли дон	399 217,0	77,1	436 322,0	84,3	109,3
<i>шу жумладан: буғдой</i>	396 663,0	76,6	410 978,0	79,4	103,6
Картошка	44 021,0	8,5	25 138,0	4,9	57,1
Сабзавот	246 876,0	47,7	129 777,0	25,1	52,6
Полиз	20 219,0	3,9	14 238,0	2,7	70,4
Мева ва резаворлар	71 298,0	13,8	39 503,0	7,6	55,4
Узум	58 717,0	11,3	52 850,0	10,2	90,0
Гўшт, тирик вазнда	10 784,0	4,1	9 812,0	3,9	91,0
Сут	46 600,0	5,2	53 595,0	5,9	115,0
Тухум, млн. дона	43,1	3,2	17,2	1,2	39,9
Жун	316,0	15,3	328,0	16,4	103,8
Пахта	123 969,0	23,9	159 830,0	30,9	128,9
Пилла	881,0	75,5	881,8	75,4	100,1